# III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 16 391,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 9 050,4 млрд. сўмни (95,5 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 7 006,1 млрд. сўмни (111,9 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган ҳизматлар ҳажми 83,6 млрд. сўмни (100,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 74,6 млрд. сўмни (84,0 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўмни (125,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 176,4 млрд. сўмни (101,7 фоиз) ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**




Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 73,7 фоиз).

## 2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

*(фоиз ҳисобида)*




**Деҳқончилик**. 2018 йилнинг январь-декабрда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 9 050,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 95,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 56,4 фозни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 257 923 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 121 496 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 116 373 гектарни, шундан буғдой 116 189 гектарни, маккажўхори дон учун 3 596 гектарни, шоли 551 гектарни, дуккакли дон экинлари 976 гектарни, техник экинлар жами 88 662 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 88 126 гектар, мойли экинлар 536 гектар, картошка 10 493 гектарни, сабзавотлар жами 22 673 гектарни, полиз 2 060 гектарни, озуқа экинлари 12 380 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 48 768 гектарни ҳамда токзорлар 6 412 гектарни ташкил этди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига дон жами 545 335 тонна (93,7 фоиз), шу жумладан бошоқли дон 467 929 тонна (90,6 фоиз), шундан буғдой 466 607 тонна (90,4 фоиз), картошка 256 776 тонна (100,4 фоиз), сабзавот 837 317 тонна (95,8 фоиз), полиз 62 942 тонна (98,1 фоиз), мева 294 915 тонна (91,1 фоиз), узум 145 535 тонна (96,9 фоиз) етиштирилди.

### 2018 йилнинг январь-декабрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| **Дон, жами** | **452,1** | **94,1** | **85,1** | **90,1** | **8,1** | **111,5** |
| шу жумладан: бошоқли дон | 415,8 | 93,2 | 45,3 | 69,8 | 6,8 | 120,2 |
| шундан: буғдой | 414,5 | 93,0 | 45,3 | 69,8 | 6,7 | 130,6 |
| Картошка | 12,1 | 61,4 | 243,0 | 103,6 | 1,7 | 119,3 |
| Сабзавотлар | 71,3 | 49,7 | 763,9 | 104,8 | 2,1 | 133,9 |
| Полиз | 26,5 | 87,8 | 35,7 | 107,2 | 0,7 | 113,0 |
| Мевалар ва резаворлар | 106,7 | 69,2 | 182,7 | 110,0 | 5,5 | 169,8 |
| Узум | 3,9 | 46,2 | 139,3 | 99,9 | 2,3 | 101,4 |

## 2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

### Дон, жами *(тонна)*




### шу жумладан: бошоқли дон *(тонна)*




### шундан:буғдой *(тонна)*




### маккажўхори дони *(тонна)*



**дуккакли дон, жами *(тонна)***




**шоли *(тонна)***




***пахта (тонна)***




***картошка (тонна)***



## Сабзавотлар, жами *(тонна)*




## *Полиз (тонна)*




## Мевалар, жами *(тонна)*




## *Узум (тонна)*



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-декабрда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7 006,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 111,9 фоизни (2017 йилнинг январь-декабрида 101,1 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 43,6 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1 001,6 минг бош (0,7 фоизга), шу жумладан сигирлар 355,5 минг бош (100,0 фоизга), қўй ва эчкилар 842,9 минг бош (1,3 фоизга), отлар 8,9 бошга (0,1 фоизга), паррандалар 7 479,7 минг бошга (23,1 фоизга) кўпайди.

**2019 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар**

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* | *минг бош* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Йирик шохли қорамоллар | 49,6 | 106,7 | 939,4 | 100,3 | 12,6 | 105,9 |
| *шу жумладан:* сигирлар | 14,6 | 102,8 | 338,0 | 99,8 | 2,9 | 116,0 |
| Қўйлар ва эчкилар | 43,9 | 109,5 | 794,4 | 100,9 | 4,6 | 107,0 |
| Отлар | 1238 | 101,5 | 7472 | 99,9 | 143 | 144,4 |
| Паррандалар | 704,7 | 130,2 | 4845,8 | 124,6 | 1929,2 | 117,1 |

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,8 фоизни, фермер хўжаликларида 5,0 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда –95,1 ва 4,1 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 94,2 ва 5,2 фоизни, отлар – 84,4 ва 14,0 фоизни, паррандалар – 64,8 ва 9,4 фоизни ташкил қилди.

## 2019 йил 1 январь холатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар

### Йирик шохли қорамоллар *(минг бош)*




### *шу жумладан:* сигирлар *(минг бош)*




### Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*




### Паррандалар *(минг бош)*



**Отлар** *(бош)*






2018 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 165,6 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 10,8 фоизга кўп), 1 012,8 минг тонна сут (9,9 фоиз), 481,6 млн. дона тухум (37,6 фоиз), 1 305 тонна жун (2,7 фоизга кам) ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек вилоятимизда аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳамда берилаётган имтиёзли кредитлар натижасида вилоятимизда 2019 йил 1 январь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар 7 479,7 минг бошни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 23,1 фоизга кўп, шундан фермер хўжаликларида 704,7 минг бош (30,2 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 4 845,8 минг бош (24,6 фоиз)га, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 1 929,2 минг бош (17,1 фоиз)га кўпайган.

Тухум етиштириш барча тоифадаги хўжаликларда 481,6 млн. донани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 37,6 фоизга, ёки 131,5 млн. донага ошган, шундан фермер хўжаликларида 59,3 млн.дона (45,6 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 332,6 млн.дона (24,0 фоиз)га, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 89,7 млн.дона (55,1 фоиз)га кўпайган.

Вилоятимиз бўйича аҳоли жон бошига тухум ишлаб чиқариш 132 донадан тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 донага ёки 36,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

## Фарғона вилоятида 2017-2018 йиллар якуни бўйича тухум етиштириш ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келиши

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Тухум ишлаб чиқариш, минг дона | | | Аҳоли жон бошига тўғри келиши, дона | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2017й | 2018й | Фарқи (+;-) | 2017й | 2018й | Фарқи (+;-) |
| | **Вилоят жами** | **350 089** | **481 583** | **131 494** | **97** | **132** | **35** |
| | *шаҳарлар:* | | | | | | |
| 1 | Марғилон | 4 580 | 5 030 | 450 | 20 | 22 | 2 |
| 2 | Фарғона | 12 698 | 25 340 | 12 642 | 46 | 90 | 45 |
| 3 | Кувасой | 33 494 | 55 245 | 21 751 | 374 | 609 | 234 |
| 4 | Қўқон | 3 999 | 3 948 | -51 | 16 | 16 | 0 |
| | *туманлар:* | | | | | | |
| 5 | Боғдод | 20 676 | 22 621 | 1 945 | 101 | 109 | 8 |
| 6 | Бешарик | 39 940 | 54 470 | 14 530 | 184 | 247 | 63 |
| 7 | Бувайда | 18 418 | 24 989 | 6 571 | 85 | 114 | 29 |
| 8 | Данғара | 35 397 | 44 323 | 8 926 | 214 | 265 | 50 |
| 9 | Ёзёвон | 11 593 | 12 018 | 425 | 110 | 113 | 2 |
| 10 | Олтиарик | 14 111 | 20 139 | 6 028 | 70 | 99 | 29 |
| 11 | Қўштепа | 31 754 | 38 054 | 6 300 | 176 | 208 | 32 |
| 12 | Риштон | 16 939 | 18 693 | 1 754 | 88 | 96 | 8 |
| 13 | Сўх | 6 681 | 7 600 | 919 | 90 | 101 | 11 |
| 14 | Тошлоқ | 22 804 | 23 120 | 316 | 119 | 119 | 0 |
| 15 | Учкўприк | 17 419 | 39 393 | 21 974 | 80 | 179 | 98 |
| 16 | Фарғона | 12 507 | 16 916 | 4 409 | 61 | 82 | 21 |
| 17 | Фурқат | 10 163 | 26 124 | 15 961 | 90 | 228 | 138 |
| 18 | Ўзбекистон | 19 751 | 25 685 | 5 934 | 87 | 111 | 24 |
| 19 | Қува | 17 168 | 17 875 | 707 | 70 | 72 | 2 |

Шунингдек, Ҳукуматимиз томонидан берилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда вилоятимизда тадбиркорлар томонидан 2018 йилда жами 85,0 минг АҚШ.долларлик (685 514 минг сўм) 1 692 минг дона тухум экспорт қилинишига эришилди.

Бундан ташқари пиллачиликни ривожлантириш, кластер усулига ўтиш сабабли ижобий ишлар амалга оширилиши натижасида вилоятда 1 655,1 тонна миқдорида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 192,7 фоизни) 24,3 млрд. сўмлик пилла хом-ашёси етиштирилди.

**2018 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* | *миқдори* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Гўшт, тирик вазнда, *минг тонна* | 5,1 | 138,5 | 146,7 | 106,1 | 13,8 | 181,9 |
| Сут, *минг тонна* | 29,7 | 109,0 | 977,1 | 109,9 | 6,0 | 117,8 |
| Тухум, *млн. дона* | 59,3 | 245,6 | 332,6 | 124,0 | 89,7 | 155,1 |
| Жун, *тонна* | 53,0 | 126,2 | 1 248,0 | 96,4 | 4,0 | 80,0 |
| Пилла хом-ашёси, *тонна* | 1 452,5 | 179,3 | - | - | 202,6 | 417,7 |
| Асал, *тонна* | 76,0 | 105,6 | 1385,8 | 121,1 | 22,5 | 94,5 |
| Овланган балиқ, *тонна* | 3 740,0 | 72,7 | 306,0 | 103,5 | 1 551,1 | 115,4 |

**2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт** *(минг тонна)*




**Сут** *(минг тонна)*




**Тухум** *(млн. Дона)*




**Жун** *(тонна)*



**Балиқ** *(тонна)*




**Пилла** *(тонна)*




**Асал** *(тонна)*




